

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент давлат шарқшунослик институти
АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 17 февралдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим муассасаларида 2017 йилда ўтказиладиган илмий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 86-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат шарқшунослик институтида **2017 йил 22 апрель** куни “**Минтақавий интеграцион жараёнларда Ўзбекистон Республикаси ўрни ва ролининг кучайиши**” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилмоқда.

Анжуманнинг илмий йўналиши минтақавий интеграция жараёнларини назарий, илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, кейинги йилларда шаклланган турли ёндошув ва қарашларни таҳлил қилиш, замонавий шароитларда Ўзбекистон Республикаси учун минтақавий интеграцион жараёнларда иштирок этишнинг унумли ва самарали йўллари ва механизмлари борасида илмий асосланган ҳамда амалий аҳамиятга эга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Конференция қуйидаги секциялар бўйича иш олиб боради:

1-секция: Минтақавий интеграцион жараёнларни ўрганишнинг концептуал ва назарий-услубий асослари

2-секция: Минтақавий интеграцион уюшмалар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари

3-секция: Минтақавий интеграцион уюшмалар ривожланишидаги замонавий тенденциялар ва муаммолар

4-секция: ШХТ ривожланишида Ўзбекистон иштирокининг фаоллашуви

Конференцияда иштирок этиш учун маъруза тезислари секция йўналишлари бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади.

Маъруза тезисларига талаблар:

Маъруза тезислари илмий-амалий тавсияларни ўз ичига қамраб олган, имло хатосиз бўлган тезислар 4 бетдан ошмаган ҳажмда ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилиши мумкин. Маъруза тезислари MS WORD 2003, 2007 текст редактори, Times New Roman шрифтида, А4 форматда, шрифт ҳажми -14, тепадан 2.0 см, пастдан 2.0 см, чапдан 3.0 см, ўнгдан 1.5 см, оралик интервал - 1.0, абзац бошидаги оралик - 1 см, энига форматлаш тарзида тўлдирилиши лозим.

Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган маъруза тезислари тўпламга киритилмайди. Ташкилий қўмита маърузаларнинг тезисларини қисқартириш, қисман тузатиш киритиш, секцияларга жойлаштириш ҳуқуқига эга.

Анжуман дастури Ташкилий қўмитага келиб тушган материалларга эксперт хулосаси берилгандан сўнг тузилади. Маъруза тезислари босма ва электрон шаклда, муаллифнинг исми, шарифи, иш жойи тўлиқ кўрсатилган ҳолда **2017 йил 5 апрелгача топширилиши лозим.**

Анжуманнинг маърузалар тўплами муаллифлар ҳисобидан нашр қилинади. Ҳар бир саҳифа учун 10 000 сўм.

(Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз-25, ТДШИ, Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик факультети, Тел.: (+99871) 252-65-87).
Imomova84@mail.ru